

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 120 (10.173)

2004 йил 24 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Давлат ташрифимни яқунлаб, мамлакатингизни тарқ этар эканман, Сиз Жаноби олийлари ва мамлакатингиз ҳукуматиға самимий миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Мамлакатингизға давлат ташрифи давомида менга ва менинг ҳамкасбларимга Сиз Жаноби олийлари ва ҳукуматингиз томонидан илқ ва самимий меҳмоннавозлик кўрсатилди. Бу эса биз учун Ўзбекистон халқининг Хитой халқига дўстона муносабатларига яна бир бор чуқур қомил ишонч ҳосил қилишга имкон берди. Сафар чоғида Сиз Жаноби олийлари билан олиб борган самарали музокара-ларда икки томонлама муносабатлар масалалари билан бир қаторда муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан чуқур фикр алмашилди ва кенг қамровли масалалар бўйича умумий тушунчага эришилди. Биз Хитой ва Ўзбекистон ўртасида Қўшма декларация имзоладик. Унда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликдаги шериклик муносабатларини ривожлантиришга оид қарор қайд этилди, узок муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик истикболлари белгиланди.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги аънанавий дўстлик кун сайин мустаҳкамланишига, қўл қиррали ҳамкорлигимиз истиқболли кенгайверишига ишончим қомил.

Сиз Жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ ва ҳар томонлама фаровонлик, дўст Ўзбекистонга тараққий ва куч-қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат тиламан!

Хитой Халқ Республикаси Раиси
Ху Цзиньтао
2004 йил 18 июнь

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

Қисқарта

- **ЭРТАГА** Ўзбек Миллий академик драма театрида намоиш қилинадиган «Бир қадам йўл» спектакли Халқаро гивандликка қарши кураш кунига бағишланади.
- **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон - либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғибот-ташвиқот қилиш ишларини амалга оширишнинг чораларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**
- **ЭРТАГА** Ўзбек Миллий академик драма театрида намоиш қилинадиган «Бир қадам йўл» спектакли Халқаро гивандликка қарши кураш кунига бағишланади.
- **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги олий педагогика институтида ўтказилган илмий-амалий анжуманда замонавий ахборот коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш ва педагоглар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.
- **КЕЧА** шаҳримиздаги Абдулқосим мадрасасида Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Абдулазиз Муҳаммадқаримов қаламига мансуб «Тошкентнома» асарининг тақдими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон ва жаҳон ШХТ — ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) саммитида кўтарилган масалалар сиёсий ва жамоат арбоблари, шарҳловчилар ва журналистлар эътиборини тортмишда давом этмоқда. Учрашувда замонамиз таҳдидларига қарши кураш вазифалари муҳокама қилингани алоҳида таъкидланмоқда. Россиялик таҳлилчилар ва экспертларнинг ақсарияти ШХТ бугунги кунда коллектив хавфсизликнинг муҳим воситасига айланди, деган яқдил фикрни билдиришмоқда.

«ШХТ минтақавий ҳамкорлик асосида барпо этилган халқаро ташкилотдир, - дейди НАТО бош қотибнинг сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари Гюнтер Альтенбург. - Минтақа мамлакатлари умумий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида минтақавий ҳамкорлик тамойилига содиқ қолишлари керак. НАТО ва ШХТ ўртасида илқ муносабатлар шаклланапти. Ушбу ташкилот аъзоларининг ақсарияти билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида шериклик муносабатлари ўрнатилган, Хитой билан ҳам алоқаларимиз ижобий. Бинобарин, ШХТнинг истиқболдаги фаолиятдан самарали натижалар куттиш мумкин».

ШХТга аъзо мамлакатларнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш жараёнида иштирок этиш нияти афғон халқи ва ҳукмати учун катта истиқболлар очади, деб таъкидлайди ушбу мамлакат матбуоти. Кобулда нашр қилинадиган «Анис» ва «Эслох» газеталари Тошкент саммитида минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон халқи турмуш даражасини яхшилаш вазифаларини бажариш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинганига эътибор қаратган. Россия, Хитой ва Марказий Осиёнинг турт мамлакатаи кўрсатадиган ёрдам Афғонистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олдинга силжиш учун имконият яратди. Газеталар мамлакат ўтиш ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзайнинг саммитдаги иштироки, унинг ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов билан ўтказган учрашувлари Афғонистон сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини қайд этган.

ШХТнинг бўлажак президенти ва парламент сайловлари арафасида Афғонистон муаммоларига қаратаётган эътибори «Афғонистон ислом жамияти» ва «Афғонистон миллий ассамблеяси» томонидан юксак баҳоланди.

Тошкент саммити ШХТ фаолиятининг янги босқичини бошлаб берди, десак ҳеч муболага бўлмайди, дейди Ҳиндистон собиқ бош вазири К.Гужрал. Ўзбекистон

ташаббуси билан хавфсизлик кенгаши қотибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди, МАТТ фаолият кўрсата бошлади, илқ маротаба Афғонистон муаммолари ушбу мамлакат раҳбари иштирокида атрофича муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашдаги фаолияти мамлакатнинг минтақадаги сиёсий марказ сифатида эътироф этилишига асос бўлмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон нуфузи юксалиб бораётганидан далолат беради, деб таъкидлайди таниқли хинд давлат арбоби.

ШХТ уч йиллик фаолият давомида ўзининг яшовчанлигини ва катта салоҳиятга эга эканини намоян этди, турли мамлакатларни замонанинг янги хуржларига қарши кураш йўлида бирлаштирди, - дея эътироф этади Италия ТИВ бош маҳкамаси бошлиғи М.Марсилли. - Ташкилотнинг ривожланиш суръатлари шундан шохда берадики, яқин келажақда халқаро майдонда бутун жаҳон сиёсатиға таъсир кўрсатувчи тузилма пайдо бўлиши мумкин, деб ҳулоса қилади италиялик дипломат.

М.Марсилли, шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт-коммуникация дастурларини амалга ошириш борасидаги интилишлариға юқори баҳо берди. Унинг эғаллайди, бу ШХТга аъзо мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувиға, ташкилот халқаро мавқеининг юксалишиға хизмат қилади.

Қўлаб озарбойжонлик шарҳловчиларнинг яқдил фикриға кўра, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, террорчиликка қарши курашдаги ҳамкорликка йўналтирилган қатъий ва собитқадам сиёсат юритаётган Ўзбекистон бу халқаро тузилмада фоят муҳим ўрин эғаллайди. Шунингдек, мутахассислар Ўзбекистоннинг бу ташкилотдаги аъзолиғи унинг қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатишға асосланган миллий хавфсизлик концепциясига тўла мос эканини муҳим омил сифатида эътироф этишмоқда.

«Жаҳон» АА

Обуна — 2004

«ОҚШОМ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Ҳурматли газетхон!

«Оқшом» газеталари доимо сизнинг энг яқин ҳамкорингиз, маслаҳатчингиз бўлиб келган. Бунинг сиз азизлардан таҳририятимизга қалаётган мактублар, телефон қўнғироқлари исботлаб турибди. Таҳририят ходимлари эътиборингиз учун сизга миннатдорчилик билдирган ҳолда шунга маълум қилдик, газеталаримизга 2004 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда. Агар биз билан ҳамкор-

лик қилишни истасангиз обуна бўлишга шошилинг. Чунки газетамиз саҳифаларида шахримизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида юз бераётган энг сўнги янгиликлар, воқеалар, Сиз азизларнинг ўй-кечинмаларингиз, таклифларингиз, мулоҳазаларингиз битилган мактублар, долзарб мавзулардаги мақолалар мунтазам бериб борилади. Дарвоқе, газетамизга исталган алоқа бўлимида ёзишингиз мумкин.

XXI саҳоси

Мамлакатимизда

● Кеча Республика Таълим марказида Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

● Кеча Адлия вазирлигида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: сиёсий партияларнинг тугган ўрни ва роли» мавзусида бўлиб ўтган семинарда сиёсий партияларнинг ўз имкониятларидан қандай фойдаланаётгани каби масалалар хусусида сўз борди.

● Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашида Оролбўйи ҳудудида халқаро туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар ташкил этилди.

● Қашқадарёда уяли алоқа хизматлари кўрсатишға ихтисослашган «Skytel» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси фаолият юртига бошлади.

● Богот тумани ғаллакорлари давлат омборларига 4103 тонна сара дон тўқиб, давлатга ғалла топириш шартнома-режасини бажардилар.

● Бухоро вилояти ҳокими фармойишиға кўра вилоятда етти кун болалар кунли деб эълон қилинди. Вилоятнинг ёш аҳолиси бир ҳафта давомида кўлаб кизикarli тадбирларда иштирок этади.

Жаҳонда

● Голландия парламенти кўпчилик овоз билан ҳукуматнинг ўз кўшнларини Ироқдан 2005 йил мартига қалай чикмаслик тўғрисидаги режаларини қўллаб-қувватлади.

● Агарда номзодлар бўйича қарама-қаршиликлар ҳал этиладиган бўлса, Европа Иттифоқи етакчилари 29 июнда Брюсселда еврокомиссия раисини тайинлаш учун йиғилдилар.

● Беларусь парламенти мухолифат депутатлар томонидан мамлакатнинг сайлов тўғрисидаги қонунига ўзгариш киритиш борасида илгари сурилган таклифни рад этади.

● Украина Олий радаси мамлакат қуролли кучларини шу йилда 70 минг нафарға қадар қисқартиришни режалаштирувчи қонунни қабул қилди.

● Ингушетия Республикасида жангарилар ҳужуми натижасида 50 га яқин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳалок бўлди. Шу муносабат билан Ингушетия Президенти Мурат Зязиков республикада уч кунлик мотам эълон қилди.

Иқтисодий

ТЕЗКОР АЛОҚА — КЎМАКЧИГИЗ

Ривожланаётган бугунги давр ҳар бир кишидан тезкорликни талаб қилади. Тезкорлик ҳар соҳада зарур бўлгани каби кишиларнинг бир-бири билан мулоқоти жараёнида ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Бунда тезкор алоқа хизмати сизнинг асосий кўмакчингиз бўлади.

«Тошкент таксафони» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ҳозирда инсонлар узоғини яқин, оғирини енгиллаштириб, сифатли алоқа хизмати таъминлаб берувчи корхона ҳисобланади. Британиянинг «Коан коммуникейшн сервис—С» компанияси ҳамда «Ўзбектелеком» акционерлик жамияти корхонанинг асосий таъсисчилари ҳисобланиб, ҳар иккала томон корхонанинг 54 ҳамда 30 фоизли акцияларига эга.

Ҳозирда универсал карточкали таксафонларни шахримизнинг зарур жойларига ўрнатаётган корхона ходимлари кишиларнинг маҳаллий, шаҳарлараро алоқасини сифатли адо этиш йўлида хизмат қилмоқдалар.

Энг зарури шундаки, ўрнатаётган бундай универсал карточкали таксафонларга ушли телефонлар орқали ҳам боғлаш мумкин. Бунда асосан абонент махсус пинкодли карточкалардан фойдаланади. Барча алоқалар корхонанинг алоқаларни таъминлаш марказида амалга оширилади. Ҳозирда корхона билан қўлаб юридик ва жисмоний шахслар ўзаро икки томонлама шартномалар тузишмоқда. Бунда абонентларнинг алоқага чиқиш нархлари 30-40 фоизга арзонлаштирилади ҳамда сифатли алоқага эга бўлади.

ДУНЁ СИФАТ СОВРИНИ ФОЛИБИ

Пахтани қайта ишлашга иқтисослашган «Олмос-текс» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ўтган йили Женевадаги Халқаро дунё сифат марказининг совринини қўлга киритганди.

Корхона ходимлари асосан паст навли пахта ва унинг мومия аралашмасини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, тайёр пахта ўрамлари ҳолига келтиришади. Бир хил оғирлик ва ҳажмдаги ўрамли тайёр маҳсулотларнинг 90 фоизи Россия давлатига экспорт қилинади.

— Маълумки, сифатли пахта толасидан қимматбаҳо қоғозлар ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди жумладан корхона раҳбари Садриддин Исмоилов. — Ҳозирда корхонамизнинг пахта толасидан ана шундай зарур маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шунингдек, маҳсулотларимиз ички бозоримизда ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга. Ҳозирда корхонамиз «Орзу» акционерлик жамиятига шартнома асосида пахта ўрамларини етказиб бермоқда.

Айни пайтда корхонада пахта ўрамларидан ташқари тиббиёт учун момик пахталар тозаловчи воситалар, уй-рўзгор буюмлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркорлар маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида яқин кунларда янги цех очиб ниҳоятда цеҳга Россиядан макарон линияси келтириб ўрнатиб, 12 хилдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.


Орзугул РУСТАМОВА

Эски шаҳар ёшаради

МУНОСИБ ҲИССА БЎЛАДИ

Чиндан ҳам пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисми ёшармоқда, қайта қурилмоқда, бу ерда яшовчи аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратилиб, янгица қиёсас касб этмоқда. Шу боис ҳам ушбу ҳудудда қурилиш ишлари, бунёдкорлик майдонларида меҳнат қилаётган қурувчиларнинг ғайрат-шижоати авжида.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ пойтахтимизнинг юраги ҳисобланган Эски шаҳарга катта эътибор қаратилар экан, уни яшнатиш, яшартириш, обод этиш ва қайта қуриш жараёнида маҳоратли лойиҳачиларимиз олдига унинг барчага маъқул фойза ва ўзига хос таровати сақлаб қолиниши муҳим вазифа қилиб қўйилди. Шу асосда бугунги кунга келиб тор ва боши берк кўчалар обод



ва равон бўлди, пастқам ва кўримсиз уйлар ўрнини кўркам ва замонавий турар жой бинолари эгаллади. Бир сўз билан айтганда, Эски шаҳар жамоли пойтахтимиз кўрқига тобора мос бўлиб, шу билан бирга ўзига хослиги ҳам сақлаб қолинмоқда.

Айни кунларда Эски шаҳарда кенг қўламадagi бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқдаки, ушбу ҳудудни қурилиш майдонига қиёс этсак асло янглишмаймиз. Буларнинг барчаси бу ерда яшовчи аҳолига қулайлақлар яратиш, турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Форобий кўчасида қад ростлаётган 150 ўринли оилавий шифохона, «Муҳокама» кўчасидаги ва «Истиклол» маҳалласидаги болалар боқчалари, «Анаобод» маҳалласидаги 200 та ишчи ўринга мўлжалланган тикув цехи ва бошқа жуда кўплаб қурилиш майдонларида бунёдкорларнинг қўли қўлига тегмайди. Уларнинг меҳнати эвазига бинолар нафақат кун сайин, балки соат сайин юксалмоқда.

Форобий кўчасида қад ростлаётган 150 ўринли оилавий шифохонанинг қисқа муддатда 2 та қавати кўзга ташланиб қол-

гани фикримизга яққол далилдир. Тошкент шаҳрини лойиҳалаш ва қайта қуриш институти малакали мутахассислари тайёрлаган лойиҳа асосида қад ростлаётган бионинг бош пудратчиси пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларида ўзига хос ўринга эга бўлган «12-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 65-қурилиш бошқармаси курувчиларидир. Шуниси эътиборга молики, курувчиларнинг тажрибалари қўл келиб ўтган бир ой давомида 70 фозидан зиёд қурилиш-тиклаш ишлари бажариб қўйилди. Қурилиш-тиклаш ишлари баробарида эса кетма-кет пардозлаш юмушлари ҳам адо этилмоқда.

1100 квадрат метрни эгаллаган ушбу бинода замонавий жиҳозланган, аҳоли саломатлиги йўлида хизмат курсатадиган 34 та хона мавжуд бўлиб, уларни талабга жавоб берадиган тарзда қуриш, калитини топшириш курувчилардан масъулият талаб этади. Балки ана шу масъулият дилларга жў бўлгани сабабли ҳам ишлар бир зум тўхтамаётгандир, бунёдкорларни ҳамжиҳатликка ундаётгандир.

Айни пайтда 100 нафардан зиёд қурувчи вақтдан, имкониятдан, қурилиш ашёларидан унумли фойдаланиб тер тўкмоқда. Улар орасида 52-қурилиш бошқармаси пардозловчилари, «Чирчиқ» элект-



рмонтаж» бошқармаси электрчилари ҳам ўз вазифаларини адо этишмоқда. Қурилиш техникалари ва ашёларидан унумли фойдаланиш иш суръатининг ошишида қўл келмоқда. Ҳар бир қурувчининг ўз ўрни бўлиб, айниқса, ишбоши Баҳодир Акбаров, бригадир Карим Ҳамидов, дурадгор Бахтиёр Иноатов, пайвандчи Вера Никитина ҳамда Рафик Зийнатов, Дилшод Бегматов, Шухрат Шобилоловларнинг ғайрат ва шижоатини таъкидлаш арзидир.

— Бинони энг азиз ва энг улуг шодиёна — Истиклол байрами кунларида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилаямиз, — дейди қурилиш бошқармаси бошлиғи Мурод Маликов. — Бунинг учун имкониятларимиз ҳам, шарт-шароитларимиз ҳам етарли. Барча ишларни режа асосида бажариш, амалга оширилган юмушларни назорат қилиш, энг муҳими сифатга эътибор қаратаймиз. Ушбу бино Эски шаҳарга кўрк бўлиши билан бирга бу ерда яшовчи аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшишдан умидворимиз.

Ҳа, кетма-кет фойдаланишга топшириладиган бинолар Эски шаҳарни нафақат яшнатиб, балки ёшартириб, умрини янада боқий этади. Бу борада эса толмас қўлли бунёдкорларимизнинг муносиб улуши борлиги, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: бунёдкорлар **Михаил Раскин** ва **Абдуқодир Абдужаборов**; қурилиш майдониди; **ғишт терувчи Элёр Боев**.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Меҳнат биржалари меҳнат бозори ҳолати ва истиқболи ҳақида маълумотлар тўплагандиган жой бўлганлиги туфайли улар меҳнат бозорини ҳаракатга келтирувчи мувофиқлаштирувчи вазифасини бажаради.

Кўпгина меҳнат биржаларига доир маълумотларни ўрганиш ва бевосита уларнинг жойлардаги фаолиятини кузатгандан сўнг шу нарса аниқландики, улар ҳали тўлақонли шаклланмаган. Ҳўш, бундай бўлишининг боиси нима? Қандай омиллар бунга тўсқинлик қилмоқда?

Бизнингча, биринчидан, меҳнат биржаларига ишонсизлик ва қизикмаслик бунга тўсқинлик қилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган иш билан таъминлаш юзасидан эълонлар ва маълумотлар орқали иш топиш анча қулай ва осон кечади. Масалан, газета ва журналлар орқали ўзимизга маъқул тушган ишни қисқа фурсат ичида ва ортқича расмиятчиликсиз топиб олиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин. Меҳнат биржасида эса ўз мутахассислигингиз бўйича ишни маълум бир муддат, навбат олган ҳолда, кутиб туриш

Мамлакатда ишсизлик даражаси ва аҳоли бандлиги билан шугулланувчи ташкилотлар ва меҳнат биржаларининг фаолияти давлатдаги иқтисодий, ижтимоий ҳолатга бевосита таъсир кўрсатади.

Иш билан бандлик

МЕҲНАТ БИРЖАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ

керак бўлади ва бундай пайтда ишсиз ҳама мамлакат иқтисодиёти вақтдан ютказишига тўғри келади. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида эълон бериш орқали эса иш берувчи ўзига керак бўлган малакали мутахассисларни кучли рақобат асосида топиб олиш имкониятига эга бўлади. Чунки оммавий ахборот воситалари республика миқёсида кенг тарқалди. Шунинг учун ҳам ишсиз аҳоли ҳамда фирма ва компаниялар оммавий ахборот воситаларини меҳнат биржаларидан афзал кўришади.

Иккинчидан, меҳнат биржаси фаолиятидан ишсиз аҳолининг, умуман, аҳолининг деярли беҳабарлиги.

Аҳолида меҳнат биржаларининг фаолияти ҳақида етарли

Мамлакатимизда иш қидириб юрганлар орасида аёллар ва профессионал тайёргарликдан ўтмаган ёшларнинг улуши юқори.

Тўртинчидан, маҳалла инспекторларига ҳаддан ташқари кўп иш юклатилганлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Ҳозирда маҳалла инспекторлари 4-5 та маҳаллада фаолият юритиб, улар асосан аҳолини иш билан таъминлашга кўмак курсатадилар, ишсиз аҳолига бўш иш ўринлари, меҳнат биржаларининг фаолияти, уларнинг хизматлари ҳақида маълумотлар берадилар. Маҳалла сони ва қилиниши керак бўлган ишларнинг қўлғиғи боис инспекторларнинг фаолияти унчалик самара бермаяпти.

Барча юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф қилиш учун, бизнингча, юртимиздаги меҳнат биржаларининг фаолиятини ривожланган мамлакатлар таърибидани ўрганган ҳолда тақомиллаштириш, кўпроқ амалий ишларга аҳамият бериш лозим.

Азиза ОБИДОВА, **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро иқтисодий муносабатлар факультети талабаси.**

Мақтаса мақтагулик ишларимиз бисёр. Бу ҳақда соатлаб гапиришимиз, хоҳлаганча мисоллар, рақамларни келтиришимиз мумкин. Лекин фақат ижобий фикр доирасида бошимиз гангий қолмаслиги керак. Кўлга киритилган ютуқлар ўзимизники. Зеро, кўзни каттароқ очиб қарайдиган бўлсак, мақтовлар билан ёнма-ён турган кўз илғамас камчиликларимиз ҳам етарли эканлигини хис этамиз. Хўш, бу камчиликларимизнинг бош сабабчиси ким? Нимада? Ҳамма гап мана шу саволларга ўринли жавоб топишимизда. Унинг жавоби ҳам бир қарашда жўнгина, лўндагина — биринчи навбатда ўзимизда, лоқайдлигимизда, шаҳримизнинг чинакам хўжайини бўла олмайётганимизда.

Шу ўринда ҳаммамиз учун муҳим бўлган яна бир саволни ўртага ташласак, ўз-ўзидан юқоридаги сўровимизга жавоб топгандек бўламиз. Айтингчи, ҳар биримизга дафъатан «Бу кўча кимники?» деган савол берилса, ҳаммамиз ҳаммиша ҳам гурур ва ифтихор билан бор овозда «Бу кўча меники» деган жавобни бера оламизми? Баъзиларимиз беихтиёр жавоб учун бироз ўйланиб қолишимиз турган гап. Чунки ўзимиз истиқомат қилаётган кўчамизнинг бугунги кундан кўнглимиз тўлиб-тўлмайди. Гоҳ ундаги ўйдим-чуқурликлар, чанг-тўзонлар, сувга ташна ариқлар ва уларни тўлдириб турган хазонлар, баъзан эса қайсидир оила аъзоларининг хўжасизлиги ва бефаросатлиги туфайли кўчада пайдо бўлиб қоладиган ахлат уюмлари кўз ўнгимизга келадию, хижолатдан тил тишлаб қоламиз. Бунинг сабабини ўша юқорида айтиб ўтилган ўзимиздан, лоқайдлигимиздан, озодаликнинг чинакам жонкури бўла олмайётганимиздан қидиришимиз керак.

Майли, майда гап бўлса ҳам сўзни турмушда учрайдиган мисоллардан бошлаб қолайлик. Масалан, сиз чиройли, озода бекатда транспорт кутиб турибсиз. Ёнингизда турган икки дугона тинимсиз писта чақиб, пўчоғини онаси тенги фаррош ҳозиргина топ-тоза қилиб, супуриб кетган жойга уялмай-нетмай пешма-пеш туфлаб турибди. Ростини айтинг, уларни тартибга чакирасизми? Кимдир шунга журъат этса, бордир, лекин кўпчилигимиз уларнинг қилмишларидан ранжиб турсак-да, индамаймиз. Уларнинг одобсизларча жеркиб ташлашдан истиҳола қиламиз. Ўзимизга ортиқча гап сотиб олишни, толиққан асабларимизни баттар қақшатишни истамаймиз.

Куну тун ободонлаштирувчилар шаҳримизни боғ-роғларга, гуллар шаҳрига айлантириш фикри-зирки билан банд. Биз ҳам ўзимиз ишлаб турган корхона, ташкилот, муассаса, идора худудини ва шу атрофдаги кўчани соясалқин қилиш, кўрган кўзни қувнатадиган гулзорлар барпо этиш юмушида қатнашимиз билан бу муҳим ишга озми-кўпми ҳиссамизни қўшиб турибмиз. Ўша ўзимиз меҳнат қилган гулзорни биров босиб-янчиб кетса, диққатимиз ошиб ачинамизу, лекин бизга кўшни бўлган бешка худудда бундай ҳол рўй берса, унчалик куюнмаймиз, ҳатто эътибор ҳам бермаймиз. Нега? Ахир ўзимиз жондан сёвган шаҳримиз ҳуснига доғ туширган бу ҳолатга нега лоқайд қарашимиз керак? Гап айланма яна ўша шаҳримизнинг чинакам фидойиси бўла олмайётганимизга бориб тақалади.

Тўғри, шаҳримиз шоҳкўчалари тоза, озода, ям-яшил, гулзор. Бироқ ундан бир қадам чеккароққа, яъни кўп қаватли уйлар, маҳаллалар ора-ласангиз, турли нохушиликларга кўзингиз тушади. Унқир-чўнқир кўчалар, эрта баҳорда экилиб, қаровсизликдан қуриб бораётган ниҳоллар, офтоброб майдончалар, сувсирраган ҳовузчалар, чикиндиларга тўла ариқ-

чалар, баъзан эса мутлақо кутилмаган жойларда ахлат уюмларига дуч келасиз. Шу ерда истиқомат қилувчилар билан сўхбатлашсангиз, улар ўзларини оқ, ўзгаларни қора қилиб, арзу дод қилишади. Нега бундай ҳол юзага келди? Бунга ким сабаб десангиз «билмайман» деб туршади. Энг ёмони, охирида сиздан «Ердан беринглар, қачонгача бу аҳволда яшаймиз», дейишади. Улар орасида биронта марди майдон йўқки, бунга ўзимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлди. Шундай экан ўзимиз тўзитдикми, энди ўзимиз тузатишимиз керак, деган хулосага келса. Борлари ҳам

иморатларга эга бўлган оилалар яшади. Лекин уларни уйлари олдидаги аҳвол унчалик қизиқтирмайди шекилли, индамай шу ердан ҳар кун итиб кетишади. Бу каби кўчаларда истиқомат қилувчилар эътиборига бир нарсани етказиб қўймоқчимиз. Болаларимиз, баъзан эса ўзимизга ҳавф соладиган ўткир юкмули ичак касалликларининг кенг тарқалишига ана шундай ҳолат сабабчи бўлади. Бу хасталикни баайни «ифлос кўл касаллиги» деб аталишининг ҳам боиси ана шундай. Мутахассисларнинг фикрича, ичак инфекциясининг тарқалишига ахлат

кейин ҳамма нарса ўз-ўзидан қуриб битади. Баъзи маҳалла кўчаларига тузук-қуруқ сув сепилмаслиги, уларнинг чанг-тўзон босиб ётишига мана шу ҳолат сабабчи бўлмаётганимиз, деган ҳаёлга борасан киши.

Ҳарна бўлса ҳам баъзида таъна қилишга ўрганганимизда. Билмадик, қачон кутуламиз бу ярамас иллатдан. Ахир бинойидек кўчалар ҳуснига доғ туширишда ўзимизнинг ҳам айбимиз етарли эканлигини била туриб билмасликка оламиз. Минг бор чиналган гап бўлса ҳам, такрорлашга мажбуримиз. Қўлимиздаги папирос қолдигини истаган томонга отамиз. Чўнтагимиздаги кераксиз бўлиб қолган қоголарни гижимлаб ёки парчалаб хоҳлаган жойга улоқтирамиз. Баъзан эса қўлбола ахлатхонани ўзимиз барпо этиб, уни тартибга келтиришни мутасадди идоралардан талаб қиламиз. Агар ҳамма ўзи яшаган кўчасини қадрласа, унинг ҳақиқий хўжайини бўлса, озода бўлишини хоҳлаганда эди кўчаларнинг аҳволи ҳозиргидан ўн чандон яхши бўларди.

Ҳашар деган энг яхши анъанамизни унутиб қўяётгандек кўринамиз. Ҳеч бўлмаса ақин-ақинларгача ҳашар йўли билан қанчадан-қанча ободончилик ишларини бажарганимизни, ҳатто маҳалла учун чойхона, қиротхона, клуб, идора биноларини бунёд этганимизни бир эслаб кўрайлик. Шу даражага бориб етдикки, уйимиз йўлаги супуриқсиз қолса, фаррошга ёпишадиган бўлдик. Бу гап кўп қаватли уйларида яшовчи оилаларга тааллуқли. Нахотки, қаталдек йўлакни тартибли ва озода сақлаш қўлимиздан келмаса? Эрта тонгда туриб ҳовли, эшик олдини, бутун бошли кўчани сув сепиб супуришдек одатимиз нега кун сайин биздан узоқлашиб борапти? Нима, юмушларимиз шу қадар кўпмики, ҳар кун ярим соатлик вақтимизни супуриб-сидиришга ажратолмасак? Вақт бор. Бахонами эса истаганча топиш мумкин. Бу гапларимиз озодагарчиликни жон-дилидан севадиган, бўш қолди дегунча қўлга супургини оладиган баъзи уй бекаларига қаттиқ тегиши мумкин. Зинҳор-базирхор гап улар хусусида бораётгани йўқ. Ниятимиз улардан ибрат олувчилар кўпайсин. Қолаверса, эшиги тагидаги тўрт замбил ахлатни тозалаш учун ойлаб идорама-идора югуриб шикоят қилиб юрүвчилар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқаришларини истардик.

Германия сафаридан қайтган дўстимиз кўрган-кечирганларини хикоя қила туриб: «Шаҳар кўчалари шунчалик тозаки, оёқ кийимингизга гард оқмайди. Саккиз кун юриб, бирон марта пойабзалимизни артмадик», деган гапни айтди. Бизда-чи? 3-4 соат кўча кезиб пойабзалингизни тозалашга мажбурсиз. Шаҳримиз ҳам ўша дўстимиз таърифлагандек озода ва кўркам бўлишни истардик. Орзумиз истаган кўчада истиқомат қилувчидан «Бу кимнинг кўчаси?» деб сўраганларида «Бу менинг кўчам» дея фахр билан жавоб берсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамшаҳарларимизга мурожаат қилиб айтмадикки, Тошкентимизнинг янада кўркам ва файзли бўлиши учун барчамиз кўлни кўлга бериб, уни ободонлаштиришга, энг озода шаҳарга айлантиришга киришайлик. Боболаримиз: «Майдону кўчалари, кўркам ариқларнинг суви тоза, аҳолиси сарамжон, уй-жойлари саришта бўлган халқнинг ҳаёти баракали бўлади», — дейишган. Ҳар биримиз ўз уйимиз, ҳовли жойимиз, маҳалламиз, ўзимизнинг ўқиш ва иш жойларимизнинг ораста ва кўркам бўлишига эришайлик. Пойтахтимизни янада ободонлаштириб, озодаликда тенги йўқ гуллар шаҳрига айлантирайлик. Бу ишдан ҳеч биримиз четда қолмайлик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шаҳрим — фаҳрим



ОЗОДАЛИК, ПОКИЗАЛИК ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ унга ҳаммамиз риоя қилайлик

Бугун шаҳримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, кўзингиз яшил бойликлар оламидан яйраб кетади. Тошкентнинг бугунги киёфасига қараб туриб Истиклолнинг буюк қудратли кучига яна бир бор тан берасан киши. Ўз эркини кўлга олган, озолик нашидасини сураётган халқ нималарга қодир бўла олиши кўз ўнгингда гавдаланади. Шаҳримиз нафақат республикамиз ахли, балки чет элликлар нигоҳида ҳам кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб бораётганини эътироф этишга ҳақлимиз.



ўларидан соқит қилиб, сукут сақлашади. Ҳашар йўли билан бор-йўғи бир-икки соатда битадиган ишни катта муаммо қилиб кўрсатишади. Биз бу билан ҳамма кўп қаватли уйлар, маҳаллалар бўйича аҳвол шунақа, бу масалага истиқоматчилар бефарқ димоқчи эмасмиз. Хусусан, «Ўзбекистон мустақиллиги», «Конституция», Абдулла Авлоний, Абдулхай Тожиев, «Бодомзор», «Янгиобод» маҳаллаларидаги озодагарчилик бизни қувонтирди. Лекин булар бармоқ билан санокли.


Яқинда бир вақтлар шаҳримизнинг энг обод кўчаларидан бири саналган Уста Ширин кўчасидан ўтиб қолдик. Очиғи, кўчанинг Эски Жўвага олиб борувчи катта кўприкдан, бу томони, яъни полковник Хўжаев кўчасигача бўлган қисмидаги аҳвол бизни ташвишга солди. Бора туриб кўчанинг икки чеккасида пайдо бўлган ахлатхоналарга кўзимиз тушди. Зилол сувлар учун мўлжалланган ариқлар чикиндиларга тўла. Қизиги шундаки, шу кўчанинг икки томонида анча басавлат, чиройли

ўралари ва нозик жойлардан (ҳожатхона) учиб чиқадиган пашшалар катта роль ўйнаркан.

Илгарилари қизлик уйга совчи бўлиб келган вакилалар ушбу оиланинг нақадар батартиблиги, озодалигини билиш учун уй-ҳовли, қолаверса нозик жойларнинг тозаллигига эътибор беришарди. Бу удум ҳозирда ҳам мавжуд. Зеро, онахонларимиз уй озодалиги ана шу нозик жойлардан бошланганини ўз тажрибаларидан яхши билишади.

Шу ўринда сувга ташна ариқлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтишни ўринли деб билдик. Донолар сувга «ҳаёт манбаи» деб таъриф беришган. Зеро, сувсиз ҳаёт йўқ. Шаҳарнинг қайси жойига борманг, яхши ният билан бунёд этилган бетон ариқларнинг сувга ташна бўлиб ётганини кўрасиз.

Илгарилари ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўчадан сув оқиб ўтгучи эди. Ҳозир эса эшигининг тагидан сув оқадиган ҳовлини камдан-кам учратасиз. Албатта, сув бўлмаганидан



КЎҲНА «ТУРОН» ЧОРЛАЙДИ

Кутубхона — маърифат ўчоғи. Ақл ва тафаккури чарқлайдиган, одобу ахлоққа чорлайдиган, илму урфон зиёсини таратувчи, саодатга элтувчи, эзуликка чорловчи нури манзилдир.

Ҳа, кутубхоналарга ҳар қанча таъриф берса арзийди. Чунки инсон китоб ила борлиқни, оламни, одамни англаб етди. Шаҳримизда ана шундай қутлуг бир тўша бор. У «Турон» кутубхонасидир. Илм-маданият, маърифат ва санъат масканларининг «Турон» номи билан аталган катта маъно бор. Юртин овоз ва обод кўриш истағида ёнган, миллатимизнинг маърифатли, уйғоқ назарли бўлиши йўлида фидойилик қилган Мирмуҳсин Шермухамедовлар, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидовлар каби маърифатпарвар боболаримиз 1913 йилда ушбу кутубхона «Турон» номи билан ташкил қилинган.

Тоҳир Малик, Озод Шарофидинов ва Бегали Қосимовларнинг дил сўзлари ва дастхатлари ёзилган эсдаликларни кутубхона фахри ва ифтихори дейиш мумкин. 37 йилдан буён кутубхонада фаолият кўрсатиб, бугунги кунда унга раҳбарлик қилмоқда. Улардан Нурия Мирзақирова, Маргарита Синельникова 40 йилдан буён, Дилбар Насриддинова, Алла Валивулиналир 20 йилдан буён инсонларга маърифат нурини улаштиришда яқиндан ёрдам беришмоқда.

«Турон» кутубхонаси доимо ўқувчилар билан гавжум. Дарҳақиқат кун ора бу ерда турли хил тадбирлар, учрашувлар, тақдимот маросимлари бўлиб туради. Аброр Ҳидоятчи номидаги Ўзбек Давлат драма театри актёрлари, Ўзбекистон Миллий университети талабалари,



нов каби маърифатпарвар боболаримиз 1913 йилда ушбу кутубхона «Турон» номи билан ташкил қилинган. Уша йилларда машҳур бўлган «Турон» номи мари-фатчи зиёлилар жамиятининг йиғинлари ҳам шу би-нода ўтказилган. Бу кутубхона Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Авлоний, Ғозий Юнус сингари машҳур ижод-корларимизнинг пойқадими, етган мўътабар даргоҳдир. Пойтахтимизнинг энг кеса- ва эътиборли эиъ маскано-си саналими «Турон» кутубхонаси ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча илм, фан адабиёт ва санъат ар-боблари ҳаётида ўчмас из қолдирган. Бугунги кунда 400 мингга яқин китобларга, 4 мингга яқин китобхон ўқув-чиларга эга бўлган маъруза кутубхонада, Фафур Фулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Саид Аҳмад, Шухрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов,

бастакорлар, ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар доимо кутубхонада, ижодий, илмий ишлари билан шуғулланишда асосан шу ерда изланишдади, илм ўрганишдади. Машҳур адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида» деган асариде айнан «Турон»нинг 20-йиллар ўртасидаги тасвири ёритилди ва муаллиф ўз қаҳрамонини кутубхонага олиб қиради. Ҳа, азизлар, агар илмий дунёингизни бойитмоқчи бўлсангиз, коинот сирлариде олятига шарқшунос олим, академик В.В.Бартолд ҳамда профессор Чўпонзода юксак баҳо берганлар. Бугунги кунда кутубхонамизда Курьонни Каримнинг асл нусхаси ва таржимаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий тўплаган ҳадисларнинг таржималари, Имом Ғазолий ва Баҳовуддин Нақшбанд каби аллома-ларнинг китоблари бор. Бугунги кунда 61 нафар ходим кутубхонада хизмат

Алексей Попов олган суратлар.

Биз бежизга гапнинг индаллосини ижтимоий-маиший ўзгаришларга муносабатимиздан бошламадик. Мадомки, ҳаёт даввати биздан масъуллиқни, фидойилиқни талаб этаётган экан, бир қур бўлса-да журналист маънавият мавзуга ҳам эътибор қаратиб ўтсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Машоихлар «мозийга қайтиб иш кўришни хайрли» деганлар. Шундай экан, биз ҳам тарих зарваракларига нигоҳ ташлаб олайлик. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимизнинг миллий Мустақилликни қўлга киритиши оммавий ахборот воситалари фаолиятига мос ҳуқуқий пойдеворни бунёд этди. Эътибор қилинг: * 1997 йил 24 апрелида «Ахборот олиш ка-фолотлари ва эркинлиги тўрисида». * 1997 йил 26 декабрда «Оммавий ахборот воситалари тўрисида» Қонун қабул қилин-ди. Албатта, бу эзгу ишлар замиридаги илк қадамлар ўзининг меваларини бера бошлади. Еш журналист кадрларни тайёрлаш узок йил-лик журналистик фаолияти давомида мактаб яратган устозлар ўғитларига кулоқ тутиш, жа-хон ОАВнинг энг илгор аъёналаридан замо-навий андозалар чиқариш, шунинг баробари-да миллий менталитетимизга хос шакл-шамой-

илларни топиш, ҳақ сўзни қарор топтириш бо-расида бир қатор ишлар қилинди ва қилин-моқда. Айниқса, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг муҳим воқеа сифатида қайд этил-ган, Ўзбекистон Журна-листлар ижодий уюшма-сининг ташкил топиши бу соҳа ходимлари олди-га энг муҳим масъулиятни, яъни ҳақлиқни, покликни, ҳақ-қалбига қалам сеҳри бўла кириб бориш бурчини кўяди. Бинобарин, дунёвий тамаддунинг барқ уриб ривожланиши бизга янги-янги талабларни қўётган экан, журналистнинг маънавий ола-мига, ижодий фаолиятига, шахсий обрў-эъти-борига жиддий пўтур етказадиган иллатларни бартараф этишнинг фўрсати етди. Негаки, мам-лакатимиз раҳбарияти, жумладан, муҳтарам Президентимиз ОАВ ходимларига катта ишонч билдириб турган бир вақтда бундай ҳолатлар-ни, журналист маънавиятга тушган «қора доғ» деб аташ жоиз бўлурди. «Журналист деганда, — дея эътироф этган эди давлатимиз раҳбари, — халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва таш-вишларига шерик, доимо янгиликлар изидан

юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевиде-ниеге катта умид билан қарайдилар, кўнгли-ларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст — ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар. — Шунча десам ҳам бўлади, болам, — деди у гапни мухтасар аяқулаб. Эҳтимолки, у каминанинг шу соҳа вақили эка-нимдан хабари йўқдир. Билганида кўп жиҳо-латсиз бўлиб юрарди. Меҳри ҳола шунча аёл. Илоҳи борица бировга озор бермасам, дейди. Уқловдай гапларини ҳам пардалаб, қоғозга ўраб гапирди. Хайр, бу бошқа масала. Ургу бермоқчи бўлганимиз — локайдлик. Аникроги журналистнинг локайдлиги. «Қассобдан чиққан қассобдан кўркма, ўқимишли одамдан чиққан қассобдан кўркми», деган эканлар. Чин-да, ростманда одамшаванда, пўрим бўлсагу, чўнта-гимизда диплом турса-ю, оҳдийгина одамлар эътиборидеги нарсаларни илғаб етмасак. «Гап берганда отангни ҳам аяма», дейдилар. Бир ҳамкасбимиз бор. Фақат янги чиққан эстра-да юлдўзларининг изидан қолмайди. «Сиз эърисиз», «Сизнинг фалон кўшиқларингиз дилла-ру тилларда», «Сиз устоз санъаткорга айла-ниб улғурдингиз». Унинг сийқа гаплари бу. Кўпчилик унга «жойларга бор, одамларни кўр, ҳаётни чу-қур ўрган», деса... Бундай юзаклик унинг ҳаётий аъмолига айлаиб улғурган. Аммо...

Аммо, масаланинг иккинчи томони бор. «Қовун қовундан ранг олади», дейдилар. Усиб келаётган ёш журналистлар оқими, бу каби «устоз» қаламқашларнинг таъсирига тушиб қол-маслиғига ким қаролат бера олади? Агар ҳозир-дан локайдликдан қўтулмасе, халқнинг дарди-ни, орзуларини қаламга олишни четлаб ўтсак натижаси яхши бўлмайди. Журналистнинг маънавият оламига салбий таъсир кўрсатадиган яна бир жиҳати бу — эски тузум давридан қолган иллат — боқимандалик-дан қўтула олмаслик. Негаки, эндиги жамият ҳаёти биздан ҳар қандай майдақашликлардан юқори туришни талаб этаётди. Биргина, ми-сол. Журналистлар ижодий уюшмаси тузил-ган кезларда аксарият ҳамкасбларимизнинг «Уюшма уй берармикан?», «Уюшма фалон им-кониятни ярати берармикан?» деган таъма-намо кайфиятга юргани рост. Аммо биз Ван-таманга нима берамиз? Истиклолимизга нима берамиз? деган саволларга жавоб излаб ижод қилсак, умргузаронлик қилсак, нур устига аъло нур бўларди. Умуман олганда, журналистнинг маънавий оламига соя соладиган иллатлар кўп. Уларни бартараф этишга барча кучларни сафарбар этиш зарур.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Маънавият — ақл кўзгуси

«АВЕСТО» — МАЪРИФАТ САРЧАШМАСИ

«Авесто» — ноёб асар. Ушбу асар энг қадим тарихий қўлёзма ҳисобланади. «Авесто» бундан уч минг йил илгари она-Ватанимизда буюк маънавият, маданият ва санъат мавжудлигидан далолат беради. «Авесто» нафақат бадний, балки ўша давр воқеаларининг тафсилю-тини баён қилиб берувчи тарихий асар ҳамдир.

ни қадимдан эъзозланган. Шу жумладан «Авесто»да ҳам. «Авесто»нинг эзгу фойларидан бири инсон қадрлири. Инсон онгли мавжудот. У пайдо бўлган-нидан бошлаб воқеа-ҳодисалар вужудга келди. Она заминимиз-да тараққиёт авж олди. Фалса-фий сўзлар билан ифодаляди-ган бўлсак иккинчи табиит дунё каби фазилатлар етди. «Авесто» инсониятни жоҳилликдан эзгуликка чорлайди. Унда Зар-душт шундай дейди: «...Фикр, сўз, амал оламидан эзу фикр, эзу сўз, эзу амали талламан. Мен барча ёмон фикр, ёмон сўз, ёмон амалдан юз бурман».

бўлган ва у ерда устозлар диний ва дунёвий таълим беришган. Узим «Авесто» ҳақида мақо-лалар, асарлар ўқиб тураман. Бир кун икки авестошунос олим Ҳ.Ҳамидовнинг «Авесто файзла-ри» асари қўлимга тушиб қолди. Ушбу асарни арақар эканман, «Оташқода — маънавият ўчоғи» мавзусидаги парчага кўзим туш-ди. Унда оташқодлар сирдан қараганда ибодатхонадек, асли-да эса нафақат маънавият ўчоғи, балки таълим-тарбия маскани, шаҳар қозиси, вақф мулкларин-нинг раиси идораси, дорихона, лармонхоналар ҳам шу ерда жоилашганлиги ҳақида айтилган. Демак оташқодлар диний илм-ларни ўргатиш билан бирга ма-даният, маърифат, ижтимоий соҳадаги ишлар ва маънавият маскани ҳам бўлган.

«Авесто», бу—маънавият сар-чашмаси. Қадимий тарихимиз-нинг ягона гувоҳи. Шундай экан, биз бу асарни маънавиятимиз-нинг энг қадимий дурдонаси дея мардонавор айта оламиз. Ҳуришда ҲОМИДОВА, Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси.

мат билан қарайди. Шу вата-нидан бири — ёшларда миллий гурурни шаклланти-ришди. Миллий гурур ўз-ўзидан шаклланмайди. Ёшларга маъ-навиятимизнинг улкан қисми — маънавий мерос, қадрият-лар, тарих ва динни ҳолисона тўри ўргатиш орқалигина улар-нинг қалбиде миллий гурурни уйғотишимиз мумкин. Ватан туйғуси билан яшаш, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш, она тилини эъзозлаш, бошқа миллат вақилларига ҳур-мат билан қараш ёшларнинг фазилатига айланмоғи лозим. Инглиз шоири Жорж Байрон-нинг бир сўзи бор. «Ким ўз юр-тини севмасе, у ҳеч нимани сева олмайди». Дарҳақиқат, агар ёшларда ўзлигини англаш, миллий ифтихор ва гурур туйғ-уси бўлмасе, уларда Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси ҳам бўлмайди. Бусиз Миллий истиқ-лол мафкурамининг юксак да-ражага кўтарга олмаймиз. Миллий ифтихори бўлган ёшлар энг аввало ўз миллати-нинг ўтмишини яхши билиди, урф-одатлар, қадриятларга ҳур-

СОҒИНЧЛИ ЛАҲЗАЛАР

Яқинда «Халқлар дўстлиги» са-ройида устоз ва ёш санъаткорлар ижросида концерт бўлиб ўтди. Шу кун икки халқимиз севиб, ар-доқлаб келаётган санъаткорлар Нуриддин Ҳамроқуллов, Жўрабек Набиев, Мазмуржон Тўхташова, Аҳмадхон Шукуров, Замира Сую-нова ва бошқалар чиқиди. Улар томонидан халқнинг дилидан, юрак туридан жой олган «Феруз», «Суввора», «Гулзорим», «Буни умр дەرлар» каби ўнлаб кўшиқ-лар жонли ижро этилди. Тошоша-бинлар ва санъаткорлар муноса-батига қараб, шундай фикрга кел-димки, халқ фонограммалардан

чарчабди, жонли овозни соғиниб-ди. Санъаткорларнинг ўзлари эътироф этганидек, улар ҳам ҳақиқий кўшиқ шинавандаларини, мумтоз ва лирик кўшиқ шайдола-рини, уларни тушунадиган тинг-ловчини соғинибдилар. Яна бир нарса борки, халқимиз бемаза, банкана, мазмунан савёз, ҳар қато-ри 10-20 мароталаб қайтарилади-ган кўшиқлардан безган. Буни уларнинг санъаткорларнинг ҳар бири учун эмас, балки ҳар бир кўшиқ учун эмас, 6-7 тадан гул-даста олиб чиқишлари, олқишла-ри, санъаткорларни сахнадан чи-қиб кетмай яна ва яна кўшиқ ай-

тишга чорлаётганлари исбот қилиб турди. Аммо, тошошабин-лар орасида ёшлар жуда кам, бори ҳам 2-3 кўшиқдан сўнг чи-қиб кетдилар. Бу нимани билди-ради? Аввало ўзгаларни тинглаш ва сабр қилиш маданиятининг етишмаслиғидадир. Ахир 40 ёшгача бўлган авлод сермаъно, таъсирчан, мумтоз ва ўзбек мил-лий кўшиқларини тинглаб катта бўлган. Уларнинг эстетик дидаи, санъатга, санъаткорга, унинг хат-ти-харакатига муносабати бўлак-ча. Ҳозирги авлод эса, минг аф-суски, бундай кўшиқларни ҳазм қилмайолпти. Уларни кеча-кундуз кулоқни қоматга келтирадиган куй ва савёз кўшиқларини эшитиш-га мажбур қилаялмиз. Савёз ки-тоб, савёз шёрият, савёз куй ва кўшиқ ўз-ўзидан китобхон ва

тингловчи дидини, фаросатини, онгини ўтмаслаштириб боравера-ди. Буни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб ёки тарозида ўлчаб бўлмайди. Бу давр ўтиши билан инсоннинг маънавий кўфсадида охир-оқибат бўйини қўрсатади. Радионинг қайси кулоғини бура-манг, эстрада. «Машъал»дагина мумтоз ва лирик кўшиқлар бериб турилади, аммо уларнинг ҳам кўпи такрорланавериб сийқаси чиқиб кетган. Телевидениеда эса ёки кино, ё реклама. Тўғри, баъзи-да мумтоз ва лирик кўшиқлар янграб қолади, фақат биттагина, кейин яна реклама. Бир вақтлар камида ярим соат «ойна жаҳон-да» ёки радиода мазза қилиб ро-хатланиб концертлар тошоша қилиб, тинглардик-ку?! Нега ҳозир мумкин эмас? Балки, замон

сенга боқмасе, сен замонга бок, дерсиз. Лекин, келажак нима бўлади? Китоб ўқимай, рок, реп каби охангларга сакрайверган би-лан баркамол инсон бўлиб қол-майдику. Дарахтни телсанг қўшиқчи ёғилади. Битта кўшиқ билан «машҳур хонанда» бўлиб ҳамма жойда интервью бериша-ди. Тўғри, санъатга, санъаткор-ларга эътибор, муносабат яхши, аммо замонавий технология ҳам зўр-да. Овоз кучайтиргичларисиз, фонограммасиз овоз йўқ. Бола-лигимизда Т.Қодиоров, Ф.Умаров, О.Ҳайитова, К.Отаниёзовларнинг катта майдонларда биргина тор ва доира зўрлиғида ҳаммаёқни титратиб, оломонни хайратга со-либ 3-4 соатлаб кўшиқ айтганла-рининг гувоҳи бўлганмиз. Ҳозир кўшиқчи битта, мусика асбоби 20 та, созанда 10 та. Танқид қилин-ган сайн миллий оҳанг ўрнини туркча, эронча, арабча, яна ал-ламбало оханглар эгаллаб бора-пти. Мен мисол келтирган концерт кун икки зал тўлмади, аммо тошоша-бинларнинг кўнгли тўлиб кетди. Тошошани ўз вақтида тугатишинг иложи бўлмайди. Халқ кўймади ту-гашига. Ана шундай концертни уюштирган ташкилотчиларга раҳ-мат. Бир йилда бир марта бўлса ҳам шундай тошошлар бўлиб тур-са, турли йўналишда хайрия кон-цертлари кўпроқ уюштириб турил-са, айни мудоа бўларди.

Зухра БЕРДИЕВА, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиш
Домо бўлув...**

• Айтишларича, Гилон шаҳрида бир бадавлат киши бўлиб, у чироқ ёғи сотиш билан шуғулланар ва бундан катта даромад ҳосил қилиб, бойиб кетган эди. У пул топишга бўлган хирсининг баландлигидан хизматчиси:

— Ёғни ўлчаб бераётган пайтингда идиш ичига бош бармоғингни тикиб тур, шунда анчагина ёғ бизнинг фойдамизга қолади! — деб ўргатар эди.

Хизматчи эса унга:

— Эй, хожа, бундай қилганда эл ҳақиқа хиёнат бўлади! Бундай усул билан топилган ҳаром молнинг касофатига барча молинидан айрилиб қолишинг мумкин! У пайтда афсус-надоматнинг фойдаси бўлмайди! Бармоқни ёғга суқиб, бир неча томчи ёғни уриб қолишдан қанчалик фойда топишинг мумкин?! — дерди.

Хожанинг жаҳли чиқиб:

— Эй беақл, бу савдогарликнинг сири, савдогарлар озгина нарсанинг ҳам бахридан ўтмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам донолар: «Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлув» дейишган! — дерди.

Софдил хизматчи эса унга жавобан:

— Эй хожа, донолар: «Ҳаром мол вафо қилмайди, кунли келиб сувдек дарёга оқиб кетади» деб айтдилар, бунингнинг туги! — дерди.

Хожа унинг гапига қулоқ солмай, ўз айтгани бўйича йўл тутишни хизматчидан қаттиқ туриб талаб қиларди. Хизматчи ҳам ноилож унинг айтгани бўйича савдо қиларди.

Кунларнинг бирида хожа ўзга бир шаҳарда чироқ ёғи жуда қиммат эканлиги ҳақида хабар топиб, ўз шаҳрида тулпа-тузуқ пул топиб туришига қарамай, ўша шаҳарга дарё орқали ёғ олиб бормоқчи бўлди. Барча пулни сарфлаб, мингдан ортиқ идишга ёғ солиб, дарё сафарига чиқди. Ногоҳ дарёда шамол кўзгалди. Маллоҳ (матрос)лар унга:

— Эй хожа, агар азиз жонингдан умидинг бўлса, ёғларни тўкиб кемани енгиллат. Акс ҳолда барчамиз ҳалок бўламиз, дейишди. Жонидан кўрққан хожа барча ёғни тўкишга мажбур бўлди. Кетган харажати ва пули учун жони ачиб, кўзларидан ёш тўкди. Софдил хизматчи унинг ёнига келиб:

— Эй, хожа, бармоқлаб уриб қолмаганингда идишлар тўкмас эдинг! — деди.

Кема юкдан бўшаб, шамол ҳам тингча, хожа бор-шудидан айрилгани учун юз-кўзига уриб борган сари фиғони кўкка чиқ бошлади. Хизматчи эса унга:

— Сўнги пушаймон ўзингга душман, қатралаб ҳаром йиғмаганингда шу аҳволга тушмас эдинг! — деди.

«Бармоқлаб урма, идишлар тўкмайсан» деган мақол ўша кундан қолган.

Террор йўли билан бир инсон томонидан бошқа бир инсоннинг, бир гуруҳ томонидан бошқа бир гуруҳнинг маъв этилиши, киргин қилиниши тарихда қайси даврдан, қайси замонлардан бошланганини ҳеч ким аниқ айта олмайд. Лекин тарих саҳифаларига назар ташласангиз унинг қолдирган муҳим изларини ҳаётнинг барча нуқталарида кўрасиз.

Самнитдан кейинги ўйлар

ҲАМКОРЛИК САРИ

Терроризмнинг муҳим қиёфаси, айниқса, XX асрнинг бошларидан яққол намоён бўла бошлади. Аввал ҳаётдан, жамиятдан норози бўлган, ғайритабиий кайфиятдаги кимсалар халқ орасидаги етакчилар, давлат раҳбарларини, йўлбошчиларни, илм-маърифатли одамларни маҳқ қилдилар. Кейинчалик, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб террорчилар ўз фаолиятини бироз ўзгартирди. Ҳаётдан, жамиятдан норози бўлган кимсалар энди алоҳида-алоҳида ҳолда эмас, гуруҳларга, тўдаларга уюшган тарзда фаолиятини давом эттирдилар. Уларнинг маъв қуроллари ҳам алоҳида шахсларга эмас, алоҳида давлатлар, алоҳида халқларга қаратилди. Бугунги кунда эса террорчиликнинг фаолияти янада ошгани кузатишда. Эндиликда халқаро террорчиликнинг йирик-йирик ўчоқлари пайдо бўлиб, уларнинг ёвуз ниятлари, курашлари барча давлатларга, бутун инсониятга қарши қаратилганга аён.

Маълумки, террорнинг асосида инсонни жисмонан йўқ қилиш мақсади ётади. Лекин террорчилик ҳар бир давр, ҳар замонга қараб ўз ниқобини, қиёфасини ўзгартириб туради. Шу сабабли халқлар озодлиги учун «курашчи», гоҳ миллатларни турли қаршилиқлардан «асроғичи», гоҳ дин «химоячиси» сифатида майдонга чиқади. Шунинг учун бу ҳаракат бугунги кунда дунёнинг миллий ва диний муносабат-

лар, халқларнинг озодлик учун интилишлари халқ қилинаётган нуқталарида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида айтилишича, ҳозирги пайтда дунё микёсида бир неча ўнлаб йирик террористик ташкилотлар фаолият юритмоқдалар ва уларнинг ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари тобора қуошқондан чиқиб бормоқда. Модомики, ахвол шундай экан, эндиликда терроризмга қарши курашда алоҳида бир одам, бир ташкилот, бир давлатнинг фаолият олиб бориши қўтирган натижани бермаслиги аниқ. Бу курашда кишиларнинг, ташкилотларнинг, давлатларнинг ҳамкорлиги нихоятда зарур. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бу борада фаолият олиб бораётган дунёдаги дастлабки энг катта ташкилот ҳисобланади. Маълумки, ушбу ташкилот 1996-1997 йилларда Шанхай бешлиги (Хитой, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон) сифатида шун бошланган. 2001 йилда Ўзбекистон ҳам ушбу бешликка қўшилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти юзга келган ва бу ташкилотнинг Декларацияси қабул қилинган. Бу ташкилот асосий фаолиятини Осиёда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда ҳамкорликларни ривожлантиришга қаратган. Шу билан бирга унинг фаолиятида яна бир масала — терроризмга қарши кураш ҳам асосий мақсад қилиб қўйилган. Шунинг

учун ташкилотнинг яқинда Тошкентда ўтган йиғилишида ШХТнинг Минтақавий аксил-террор тузилмаси ижрога қўмитаси очилди ва иш бошлади. Саммитда қабул қилинган Тошкент Декларациясида ҳам терроризмга қарши кураш асосий масалалардан бири қилиб белгиланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент учрашувида «Мамлакатларнинг хавфсизлиги орқали ҳамкорлиги сари» шиори асос қилиб олинди. Бу бежиз эмас. Чунки ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакатда тинчлик, оқсоқиллик ҳукм сурганди, террор хавфи бартараф этилгандагина бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар ривож учун йўл очилди. Шу сабабли саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов анжуман иштирокчиларининг фикрларини умумлаштириб: «Террор ва нарқобизнес учун «Транзит давлат» тушунчаси йўқ, Яъни, террор таҳдиди бирор бир мамлакатга қарши қаратилмаган бўлса, унга нисбатан бефарқ бўлиш — нотўғри. Ер юзюда террорчилар ўзини хотинжа сезадиган жой қолмагандагина террорчиликка қарши халқро кураш қўтирилган натижани бериши мумкин», дея баҳо берди.

Умуман олганда, бугун терроризмга қарши курашувчи қўтирилган бирлашма, ҳамкорлиги бошланди. Бунда Осиё ташкилотчилики, ташаббускорликни бошлаб берди. Эндиликда халқро терроризмга қарши қўтирилган дунёнинг бошқа кўчалари ва нуқталарида ҳам бирлашмалар керак. Ана шундангина бу борада бошланган хайрли иш яхши натижа беради. Акс ҳолда, терроризм дунёнинг қўтирилмаган нуқтасида бош кўтариши ва қўлаб беғуноҳ одамларни ёвуз мақсади йўлида қурбон қилиши мумкин. Демак, бугун инсоният учун ҳалоқат эмас, терроризмга қарши ҳаракат кат.

Азиз МАТКҲУБОВ,
хукуқшунос

Истиқлол йилларида республикамизда турли соҳаларда бўлгани каби дизайн соҳасида ҳам янгилликлар яратилиб, ўзбек халқининг урф-одатлари, аънаналари, маданиятини ўзида муҳассамлаштирган энг яхши ҳислатларни ёритиш каби хайрли ишлар амалга оширилди.

**ҲАЁТИМИЗДА МИЛЛИЙ
ДИЗАЙННИНГ ЎРНИ**

Республикамизда тарихий ҳақиқатни тиклаш, халқимиз аънаналари, бой маданий меросини ёшларимизга ўргатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ташкил қилинганлиги ҳам бу борада тадбир этилаётган хайрли ишларга яққол мисол бўла олади.

Дизайн ҳаётимизда атрофимизни ўраб турган предметлар, либослар, уй-жой ва шахарларнинг ташқи кўринишига ўзига хос шакл ва усул берибгина қолмай, балки кишиларнинг, жумладан ёшларнинг онгини шакллантиришда катта роль ўйнаши билан ҳам аҳамиятга сазовордир.

Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларга азалий урф-одатларимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни сингдиришда миллий дизайннинг аҳамияти бекиёб.

Кўпчилигимиз атроф-муҳитни, атрофдаги предметларни борлигича қабул қилишга ўрганиб қолганмики, уларнинг шаклу-шамойилига, ҳажми ва рангига, жойлашган ўрнига кўп ҳам эътибор беравермаймиз. Аммо худди ана шу нарсалар бизнинг кун давомида кайфиятимизнинг қандай бўлишига, ўзимизни тутишимизга, ҳис-туйғуларимизга, қолаверса, соғлигимизга таъсир кўрсатиши илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

«Дизайн» сўзи инглизчадан «расм чизиш» деб таржима қилинади. Ҳозирги кунда бутун дунёда дизайнга аҳамият жуда каттадир. Бунинг сабаби, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашиб бориши, глобаллашув жараёнларида бозорбоп маҳсулот чиқаришда бир қадам ортда қолган фирмаларнинг синиб бораётганлиги маҳсулотнинг на-

фақат пишик ва қулай бўлишига, балки унинг ташқи кўринишига эътибор қаратишга мажбур қилолмоқда. Ҳар бир компания ва фирмалар энг замонавий дизайн талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш учун энг моҳир дизайнерларни тақдир этилади. Чунки кишиларнинг биринчи хулосаси ташқи кўриниш орқали ҳосил бўлади.

Ўзбек халқи «Онанинг отанга бепардоз кўрсатма» деб бежиз айтмаган. Ҳозирги кишилар манфаати биринчи ўринга қўйилаётган бир пайтда уларнинг индивидуаллиги, юриш-туришлари, кийинишлари, фойдаланадиган буюмларининг турли-туманлиги билан ҳам ифодланади.

Истиқлол йилларида дизайн эътибор берилиши халқимизнинг бой маданий мероси тикланиши шахарсозлик борасида, ишлаб чиқаришда, таълим ва маданият соҳаларида, айниқса яққол кўриниб, ўз ифодасини топа бошлади. Мустақиллик йилларида бунёд этилган бино ва иншоотлар, бог ва хиёбонларга ўрнатилган ва қайта таъмирланган ёдгорликларга қараб, уларда замонавийлик ва миллийликнинг уйғунлашганини кўриб заъқ олишимиз мумкин. Бу эса «Минг бор эшитгандан, бир бор кўрган яхши» заълида ўзлимизни англаш ва у билан гурурланишга қўлгина маъруза-у мақолалардан кўра кўпроқ хизмат қилади.

Ҳозирги кунда шахарларимиз кўржика кўрқ қўшиш билан бирга, халқимизда айниқса, ёшларда миллий гурур уйғотадиган ёдгорликлар барпо қилиниши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан буюк аждодларимиз руҳлари шод этилиб,

уларнинг мақбаралари, музейлари, ҳайкаллари қад ростлади.

Пойтахтимиздаги Амир Темуру хайкали ва Темурийлар тарихий давлат музейи ана шу марказий хиёбонга кўрқ ва салобат қўшиш билан бирга авлодларимиз буюклигини таъқидлаб турувчи ажойиб ансамблга айланади.

Ёки «Хотира» майдонида ўрнатилган бутун Ўзбекистондан фарзандларини урушга қўзатиб, уларнинг йўлига кўз тиккан оналарга бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик нафақат шу майдон кўринишини, балки халқимизнинг урушга, ўтганлар хотирасига, фронт ортда қолган муштирап оналару опасингиларга бўлган муносабатини ўзгартирди, десак муболага бўлмайди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Ёдгорликлар билан бир қаторда атрофимизни ўраб турган бинолар ҳам ўзгариб, янгича чирой очиб бормоқда. Кейинги йилларда қурилган бинолар, жумладан, Ўзбекистон Миллий банки, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Олий Мажлис, «Оқсарой» қароргоҳи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси каби кўплаб бинолар ва қайта таъмирланган иншоотлар миллий аънаналарига хослиги ва замонавийлиги, улардаги фойдаланилган ранг ва шакллардаги беғуборлик, соқинлик, салобат, муҳташамлик ва соддаликнинг уйғунлашгани орқали кишини беихтиёр ҳақиқий ўзбекона меъморчилик аънаналаридан гурурланишга даъват этади.

Жавдат ИНОФОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Давлат ва жамият қурилиши» факультети тингловчиси

**КИЧИК БИЗНЕС
РИВОЖИ — ЮРТ
РАВНАКИ ОМИЛИ**

Иқтисодиётни эркинлаштириш ша-роитларида унинг реал — хусусий сектори сифатида кичик бизнеснинг роли ошиб боради. Зеро, кичик бизнес иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш воситаси, керакли воситаларнинг муомалага чиқишига омил бўлувчи, яъни ички маҳсулот ошишининг муҳим манбаи бўлмиш кичик ва хусусий бизнес ривожига нафақат юртимизда, балки жаҳоннинг барча мамлакатларида алоҳида эътибор қаратилиши ҳам шу жиҳатдан олганда бежиз эмас.

Жаҳон ва мамлакатимиз амалиётининг кўрсатишича, характерли жиҳатларини ҳисобга олганда кичик ва хусусий бизнес давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлашини талаб этувчи соҳадир.

Бу борада биринчи навбатда кичик тадбиркорлик фаолиятининг кенг ҳуқуқий негизини шакллантириш лозимдир. Бу жараён юртимизда тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан бошланади. Шу билан бирга ҳозирда кичик тадбиркорлик инфратузилмасини ташкил этиш ва тадбиркорлик ташкилотларининг ассоциация (уюшма)ларга бирлаштириш жараёни кечмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимида молия-кредит йўли билан кўмаклашиш муаммолари, солиқ имтиёзларини қўллаш ва ушбу соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатувчи бошқа бир қатор долзарб масалаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни кредит билан таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этишда лизинг операцияларини қўллаш, кичик бизнесни кредитлашда тижорат банкларининг фаолиятини рағбатлантириш учун кредитни кафолатлаш институтларини ташкил этиш, кичик тадбиркорликни қўллаш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида облигациялар бозорини кенгайтириш муҳимдир.

Бехзод АҲМАДЖОНИЙ,
Тошкент молия институтини магистри

Назанданик

ШОЛГОМНИНГ
ШАРОФАТИ

Шолгом ҳамма жойда ўсади, лекин у ҳавоси салқинроқ жойларда экилса, тахирлиги йўқ, камтомир, хандалакдек катта, ширин, бир қайновда сариеғдек мулоийм пишадиған бўлиб етилади.

Уни кўрга кўмиб еса ҳам бўлади. Шамоллашга дори сифатида истеъмол қилса ҳам бўлади. Утмишда чоризм ҳужмронлик қилган кезларда рус деҳқонларини помешчиклар эксплуатация қилишдан ташқари серхосил ерларни тортиб олиб гоёт кашшоқлаштириб қўйган эди. Натижада кўпгина губерниядаги деҳқонлар кулба ва қишлоқларни ташлаб чиқиб янги ерлар қидириб, кенг Россия бўйлаб дарбадар юрганликлар тарихдан бизга маълум. Ана шу дарбадарликда ақли кексалар: «олдин кетганлар кейин қолганларга кўприк» деган нақл тўқиганлар. Шунинг учун илгари кетганлар орқанда қолганларга ҳар ҳолда егулик нарса бўлади, деб йўл бўйларига шолгом экиб кетишди. Шолгомдан бошқа экин экиб кетишса ҳам бўларди, бироқ шолгом шундай сабзавотки, уни баҳорда, ёзда ёки кузда экса ҳам кўкараверади, тез етилади ва кўп парвариш талаб этмайди. Бизнинг Ўзбекистон ерида шолгом оқ, қизил ва зангори пўчоқли ва сал тахирроқ етилади. Россия шолгомнинг пўчоғи ҳам, эти ҳам сариқ ва таъми ширин, картошқасимон бўлади. Илгари бу хил шолгом бизда экилмас эди, яқин йиллардан буён экила бошланди.

Шолгом айниқса куз, киш ва баҳор фасларида шамоллаш ва грипп касалликларига қарши яхши давовир. Ибн Сино дейдики: «Ҳар қандай шолгомнинг энг яхшиси — семиз гўшт билан қайнатилганидир... Семиз гўшт билан пиширилган шолгом кўкракни ва томоқни юмшатади. Гўшт билан қайнатилган шолгом кучли озуқа бўлади. Шолгомнинг қайнатмаси бод, бўғинларнинг зирқираб оғришига қарши шу ўринга қўйиб боғланса кўп манфаат этади. Шолгомни пишириб ёки хомлигича ейилса кўзга фойда қилади».

Шолгомнинг яна бир шарофати, у энергия манбаи ҳам экан. Ҳаҳон энергетика кризиси олимларни турли нарсалардан ёқили сифатида фойдаланиш услубини топишга даъват этмоқда. Францияликлар шолгом устида иш олиб бориб шундай хулосага келдиларки, шолгом арзон ёнилғи бериши мумкин экан. Унинг 1000 килограммидан 100-120 метр ёнилғи спирти ажратиб олинди. Бу деган сўз шолгомни кўплаб экиб, ундан олинган спирт лампалари ясаб электр энергияни ҳам тежаш мумкин.

Ҳар ҳолда шолгомни пазандаликда ва табобатда қўлланиши инсон учун кўпроқ манфаат беради. Ушбу неъматнинг шифолиги тўғрисида фақат Ибн Сино эмас, қадимда Ҳасрат исми табиб ҳам ўзининг «Хусайн тухфаси» номи тиббий достонида қуйидагиларни ёзди.

Иссиқ бўлар шолгом
ким еса тақрор,
Кўрлар шолгом есин,
деган масал бор.
Чунки у кўзларга
беради қувват,
Хому пишиғида бор
шундай ислат.
Шишганда совуқдан
кўл ёки оёқ,
Наф қилади шолгом
суркалгани чоқ.

«МАДИНА — Т» ОАЖ ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИЛЛИК УМУМИЙ МАЖЛИС ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

Умумий мажлисининг тури — навбатдаги йиллик мажлис
Мажлисининг ўтказилиши — очик
Мажлисининг ўтказилиш санаси — 10 июнь 2004 й.

Мажлисининг ўтказилиш жойи — Тошкент ш. Қайнарсой, 136

Мажлис қворуми — 10540 дона овоз бериш учун ҳақли акционерлар сони 86, 53% ташкил этади, жойлаштирилган овоз беришга ҳақли акция сонидан келиб чиқилган ҳолда.

Кун тартибига қўйилган масалалар ва уларга берилган овознинг йўқлигини:

1. Жамият Бош директорининг ҳисоботи.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

2. Жамият тафтиш комиссиясининг 2003 й. якуни бўйича ҳисоботи.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

3. Жамиятнинг 2003 й. молиявий-хўжалик фаолияти бўйича Аудитор хулосаси.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

4. Жамиятнинг 2003 йилги бухгалтерия балансини тасдиқлаш.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

5. Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

6. Жамиятнинг 2004 йил учун Бизнес-режа муҳокамаси.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

7. Бош директор билан тузилган меҳнат шартномасини навбатдаги муддатга узайтириш тўғрисида.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

Тарафдорлар — 99, 79%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

9. Жамият тафтиш комиссиясининг таркибини қайта сайлаш.

Тарафдорлар — 99, 79%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

10. Жамиятга 2004 йил учун Аудитор тайинлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақини белгилаш.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

11. «МАДИНА — Т» ОАЖ Ўз—Туркия қўшма корхонасини «МАДИНА — Т» очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

12. Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ Низом жамғармаси ҳажмини ва уни ташкил этиш манбаларини белгилаш тўғрисида.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

13. Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ Низом лойиҳаси ва муҳри намуналарини тасдиқлаш.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

14. «МАДИНА — Т» ОАЖ Ўз—Туркия қўшма корхонаси томонидан муомалага чиқарилган акцияларни бекор қилиш тўғрисида.

Тарафдорлар — 100%, қаршилар — йўқ, бетараф — йўқ.

15. Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ акцияларини муомалага чиқариш тўғрисида.

Умумий навбатдаги йиллик акционерлар мажлисидаги қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ мавзуси.

Биринчи савол бўйича: жамият бош директорини А.Э.Қодировнинг

корхона 2003 йил давомида амалга оширилган хўжалик-молиявий фаолиятининг якунлари бўйича ҳисоботи иловага асосан маъқуллансин.

Иккинчи савол бўйича: Жамият тафтиш комиссияси жамият 2003 й давомида амалга оширилган хўжалик-молиявий фаолияти натижаларини текшириш бўйича ҳисоботи иловага асосан тасдиқлансин.

Учинчи масала бўйича: «Аудит Усто» МЧЖ аудитор фирмаси томонидан жамиятнинг — 2003 йил фаолияти бўйича молиявий ҳужжатларини аудит текшируви натижалари бўйича ҳисоботи иловага асосан тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича: Жамиятнинг 2003 й. учун бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича: Жамиятнинг 2003 йилда олган 7937,0 минг сўм фойда жамият ихтиёрига ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мақсадли сарфлаш учун қолдирилсин. Жамият Бош директорини жамиятга мақсадли фойдаланиш бўйича Кузатув кенгашига ахборот бериб борсин.

Олтинчи масала бўйича: Жамиятнинг 2004 йил учун Бизнес-режаси тасдиқлансин. Жамиятнинг ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ҳудудда умумий фойдали майдони тахминан 20 минг кв. м. бўлган 20 га яқин биноларни қуриш бўйича, умумий қиймати 5 млн. АҚШ доллари бўлган инвестицион лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари маъқуллансин. Мазкур инвестиция лойиҳа доирасида лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун умумий қиймати 150 минг АҚШ доллари бўлган шартнома маъқуллансин ва ушбу шартнома асосида тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

Еттинчи масала бўйича: Жамият Бош директорини Қодиров А. Э. билан тузилган меҳнат шартномаси яна бир йилга узайтирилсин ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилсин.

Саккизинчи масала бўйича: санок комиссиясининг жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича ўтказилган кумулятив овоз бериш натижалари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин. Жамият Кузатув кенгаши қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

1. Мелих Джемил Таймас
2. Мустафо Узтоқлу
3. Угур Акын
4. Ташкулов А. Д.
5. Бочкарев Ю. К.

Тўққизинчи масала бўйича: санок комиссиясининг жамият Тафтиш комиссиясини аъзоларини сайлаш бўйича ўтказилган кумулятив овоз бериш натижалари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин. Жамият тафтиш комиссияси қуйидаги тартибда тасдиқлансин.

1. Югай Светлана Ивановна
2. Пискорская Юлия
3. Абдуллаев Ю.

Унинчи масала бўйича: жамиятнинг 2004 йил учун аудитор этиб жамиятнинг аввалги аудитори «Аудит Усто» МЧЖ аудитор фирмаси тайинлансин ҳамда унинг хизмат ҳақини аудитор текширув ўтказиш даврида бозор ҳолатидан келиб чиққан ва Кузатув кенгаши келишилган ҳолда белгилаш жамият Бош директорига юклатилсин.

Ўн биринчи масала бўйича: «АПЕ-

АС МУХАНДЕСЛИК ИНШААТ ТААХУТ Ве Дис Тижорат ЛТД СТИ» Туркия Компанияси томонидан жамият Низом жамғармаси қонунчилиқда белгиланган миқдорга етказиш мақсадида жамият Устав жамғармасига 43 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маблағ киритганлигини инобатга олинсин. «МАДИНА — Т» ОАЖ Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасини «Мадина —Т» очик акциядорлик жамиятига айлантирилсин.

Ўн иккинчи масала бўйича: Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ Низом жамғармаси ҳажмини 51431900 (эллик бир миллион тўрт юз ўттиз бир минг тўққиз юз) сўм миқдоридан белгилансин. Жамият Низом жамғармаси ҳар бирининг номинал қиймати 650 сўмга тенг бўлган 78936 (Етмиш саккиз минг тўққиз юз ўттиз олти) дона оддий эгаси ёзилган ва 190 дона имтиёзли, эгаси ёзилган акцияларга бўлинган ва қуйидагича тақсимлансин:

Низом жамғармасининг 15,63 фоизи, яъни 8040500 (Саккиз миллион қирқ минг беш юз) сўмлик, 12370 (ўн икки минг уч юз етмиш) дона акциялар (123500 сўмлик 190 дона имтиёзли акциялар билан бирга) конвертация қилиш ҳисобига жойлаштирилган деб ҳисоблансин.

Низом жамғармасининг 84, 37 фоизи, 43391400 (қирқ уч миллион уч юз тўқсон бир минг тўрт юз) сўмлик 66756 дона оддий, эгаси ёзилган акциялар «А М И Т В Д Т Л С» Туркия компаниясига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Ўн учинчи масала бўйича: Низом тасдиқлансин. Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ бурчак штампи ва думалоқ муҳри намуналари тасдиқлансин.

Ўн тўртинчи масала бўйича: «МАДИНА — Т» ОАЖ қўшма корхонаси томонидан аввал чиқарилган 230246 дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз ва 190 дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз акциялар бекор қилинсин.

Қимматли қоғозлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказига ушбу акцияларни, ҳамда 2003 йил 2 апрелда РО566 рақам билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласини бекор қилиш бўйича муурожаат қилинсин.

Ўн бешинчи масала бўйича: Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ томонидан ҳар бирининг номинал қиймати 650 сўмга тенг бўлган 78936 (етмиш саккиз минг тўққиз юз ўттиз олти) дона оддий эгаси ёзилган ва 190 дона имтиёзли эгаси ёзилган акциялар, умумий қиймати 51431900 (эллик бир миллион тўрт юз ўттиз бир минг тўққиз юз) сўм бўлган акциялар муомалага чиқарилсин. Қайта ўзгартирилган «МАДИНА — Т» ОАЖ томонидан ҳар бирининг номинал қиймати 650 сўмга тенг бўлган 78936 (етмиш саккиз минг тўққиз юз ўттиз олти) дона оддий эгаси ёзилган ва 190 дона имтиёзли, эгаси ёзилган акциялар, умумий қиймати 51431900 (эллик бир миллион тўрт юз ўттиз бир минг тўққиз юз) сўм бўлган акциялар эмиссияси рисоласи тасдиқлансин. Жамиятнинг қайта ўзгартириш, аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиш ва янгидан акцияларни муомалага чиқариш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ҳамда тегишли ҳужжатларни имзолаш жамият Бош директорини А. Э. Қодировга юклатилсин.

Спорт

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Термиз шаҳридаги «Алло-миш» спорт мажмуида кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан беш юзга яқин ўзбек кураши усталари галаба учун баҳс юритди.

Мусобақанинг ўзига хос томони шунда бўлдики, 7 та вазнда гиламга тушган эркалар билан бирга, аёллар ҳам олти вазн тоифасида мамлакат чемпионини аниқлаш мақсадида ўзаро беллашишди. Эркалар баҳсларида энг енгил — 60 килограммгача вазнда самарқандлик Ф.Мама-тов ўз галабаси билан Ўзбекистон чемпиони сафини бошлаб берган бўлса, 73 килограммгача вазнда ҳамшаҳримиз Ш.Тураевга ҳам олтин нишонлар насиб этди.

Аёллар ўртасида ҳам тошкентлик Т.Кандаровага 63 килограммгача бўлган вазнда ҳурмат шохусининг энг юқори поғонасидан жой насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар ва дипломлар билан тақдирланди.

ШАХМАТЧИЛАР — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Ливия пойтахти Триполи шаҳрида FIDE йўналиши бўйича эркалар ўртасида жаҳон чемпионлик мусобақалари бошланди.

Ушбу нуфузли турнирда жаҳоннинг 53 мамлакатининг вакиллари чемпионлик унвонини қўлга киритиш мақсадида дона суришмоқда. Чемпионатда юртимиз шарофини энг кучли шахмат усталаримиз Рустам Қосим-жонов ҳамда Анатолий Барсовлар ҳимоя қилишмоқда.

Қойдага кўра беллашувлар 1/64 финал учрашувлари билан бошланди. Таъкидлаш керакки, дастлабки ўйинларда қуръа натижаларига кўра ҳамшаҳарларимизнинг жуда кучли рақиблар билан куч синашишларига тўғри келди. Хусусан, Рустам Қосимжонов Коста-рикалик Рамирес билан дуранг ўйнаб, очколарни бўлишиб олган бўлса, Барсовнинг ҳам словениялик Беляевский билан ўтказилган ўйинида дуранг натижа қайд этилди.

Қўшимча ўтказилган учрашувлар гротмейстерларимиз учун муваффақият келтирмади ва уларнинг чемпионатдаги иштирокларини тўхтатишларига тўғри келди.

Жаҳон чемпионатида Шорт (Англия), Иванчук (Украина), Азмайпарашвили (Грузия), Гуревич (Бельгия), Ваганян (Арманистон) каби кўраи заминнинг кучли шахмат усталари дона суришмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Юридик институти томонидан 1996 йил 8 июлда Кенжаева Худойёр Ўлжаевич номига берилган №127295 рақамли, регистрация рақами С-177 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Euro 2004 PORTUGAL

Еврона чемпиони

КУЧЛИЛАРГА ОМАД ЁР

Кеча «D» гуруҳидан ўрин олган жамоалар ўртасида сўнгги икки ўйин бўлиб ўтди.

Кизини шундаки, ушбу беллашувларда чорак финалга йўлланма оладиган ягона жамоа аниқланар, бунга эса илк бор гуруҳдаги ушбу ҳуқуқни олдинроқ қўлга киритган Чехиядан ташқари барча уч терма жамоа даввоғарлик қиларди.

Энг кийин вазиятда Голландия терма жамоаси тушиб қолганди. Жуда кучли таркибга эга, ҳужумкор руҳда тўп сурувчи лолалар мамлакат термасининг тақдирини хоҳлаймизми-йўқми Германия ва Чехия жамоаларининг ўйинлари натижасига боғлиқ эди.

Шундай бўлса-да, голландлар Латвия билан ўйинида дастлабки дақиқаларданок ташаббусни ўз қўлларига олиб, одатларига кўра ҳужумкор ўйин кўрсатишди. Бунга қўп жиҳатдан голландларнинг майдонга учта ҳужумчи билан тушганлиги ҳам сабаб бўлди. Айниқса Давидс, Зеедорф, Нистелройлар рақиблар дарвозасига кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштириб туришди.

27-дақиқада голландлар ҳужумчи зиянининг етакчиси Руд Ван Нистелрой пенальтидан тўп киритиб ҳисобни очди.

35-дақиқада ушбу ҳужумчи яна бир бор улкан маҳоратини намойиш этди. Чап қанотдан узатилган жарима тўпини Филип Коку боши билан марказга ошириб берди, Нистелрой ҳам боши билан аниқ зарба йўллаб ҳисобни оширди.

Бўлим охиригача голландлар тинимсиз ҳужумлар уюштирса-да ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлимнинг 84-дақиқасида Нистелрой ўрнига майдонга тушган Рой Макай Ариен Роббен оширган тўпни дарвозага йўллаб ҳисобни 3:0 га етказди.

Латвияликларнинг етакчи ҳужумчиси Марис Верпаковскисни голландлар ҳимоячиси Яп Стамп ишончли тарзда қўриқлади ва хавфли ҳужумлар уюштиришига йўл қўймади.

Германия билан ўйинида чорак финалга йўллангани аввалроқ қўлга киритган Чехия термаси етакчи футболчиларга бир оз дам бериш мақсадида майдонга асосан иккинчи таркибни туширди.

Германия футболчилари бундай ҳолатдан беҳиз хайқишмаганди. Зеро, Чехия ўринбосарлари ўзларини кўрсатишга интилишлари тайин эди. Демак, майдонда кескин ўйин бўлиши кутилаётганди.

Дарҳақиқат, чехияликлар ўз ҳужумкор ўйинларига содиқ қолган ҳолда майдонда жуда чиройли ўйин кўрсатишди. Гарчи, 21-дақиқада Михаил Баллак (Германия) ҳисобни очган бўлса-да, чехлар суръатини бўшаштиришмади.

30-дақиқада чехлар ҳужумчиси Мерек Хайнц ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлим шун ҳисобда якунига етди.

Иккинчи бўлимнинг 77-дақиқасида Милан Барош чехлар галабасини таъминловчи тўп киритиб, германиянинг чорак финал сари йўлини ёпиб қўйди. Чехларнинг шиддатли ҳужумларига пўлат асабли немислар дарвозабони Оливер Кан ҳам дош беролмади. Шундан кейин ўйин охиригача немислар тўхтовсиз ҳужум уюштирган бўлсалар-да, улар натижа бермади.

Шундай қилиб, кучлиларга омад ёр бўлиб, ФИФА рейтингинда 5-ўринни банд этиб турган Голландия термаси чорак финалга чиқди.

Гуруҳда учтадан ўтказилган беллашувлардан сўнг тўпурарлар баҳсида Уэйн Руни (Англия) ва Руд Ван Нистелрой тўрттадан гол киритган ҳолда каровбошилик қилишмоқда. Зиеддин Зидан (Франция), Йон Дал Томассон (Дания), Хенрик Ларссон (Швеция) ҳисобида эса учтадан тўп бор.

Бугун чорак финал баҳслари бошланади. Дастлабки кун Португалия ва Англия терма жамоалари беллашади. Чорак финал ўйинлари 27 июнга қадар Франция-Греция, Чехия-Дания, Швеция-Голландия термалари ўртасида бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Сўқибол

ДАСТАБКИ ЎЙИНИДА ДУРАНГ

Жиззах вилоятинда «Сўғдиёна»-«Пахтакор» жамоалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Кубоги чорак финал ўйинларининг биринчи учрашуви айтиш жозики, голларга бой кечди.

Аслида Ўзбекистон Кубоги баҳслари доимо мurosасиз кечади. Майдонда тўп сураётган жамоалар хоҳ кучли, хоҳ ўртамиёна ҳисобланмасин, биллур соврин учун шиддатли кураш олиб боришади. Ушбу ўйин ҳам бундан мустасно бўлмади. Майдонда ҳаракат қилган ҳар икки жамоа галаба қозониш иштиёқид ҳужумга зўр берди. Натижа эса чакки эмас. Шу кунги мухлислар бири-бириндан чиройли тўртта голнинг гувоҳига айланишди.

2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланган ўйинида дарвозаларга тўпларни «Сўғдиёна»дан Султонов, Мамажонов, «Пахтакор»дан Абдуллаев ва Власичевлар киритишди.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг «Пахтакор»-«Сўғдиёна» жамоалари ўртасидаги такрорий учрашув 28 июнда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!
Биз инвентар, техника, қайтарта тула ёшларини. Бизга факат Сизнинг таъбири ва қўлимизни етказиб берингиз. Ғайрат ва таъдирини беллаштириш вақти келди. Чунки бу — мутафаккирлик олиб бериши энг қисқа йўл.

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

AMOLOT

Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» иктамной акциясида феоал иштирок этиб, ёшлар учун масъумий иш ўриларини тақдима этишини тақдир қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари арқили алоқа марказидан олишнингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан ақция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Ақцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт ўйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
«РОУТAХТ АUKSION» давлат унитар корхонаси
2004 йилнинг 22 июнь куни аукцион савдоларини ўтказди

Ўтказилган аукцион савдоларида 407 та талабгор қатнашиб, шулардан 94 таси Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Савдоларда: — 1 та майдони 9 кв.м. бўлган ноозиқовқат буюмлари;

— 4 та майдони 36 кв.м.дан бўлган қурилиш моллари савдо дўқони;

— 89 та майдони 9 кв.м.дан бўлган лак-бўёқ маҳсулотлари савдо дўқони қуриш ҳуқуқи сотилди.

Сотилмай қолган турғун савдо дўқони қуриш ҳуқуқлари 2004 йилнинг 24 июнидан бошлаб ҳафтанинг ҳар сешанба, пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Савдоларда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабгорлар «РОУТAХТ АUKSION» давлат унитар корхонасининг «Узуйжойхамфармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига объектнинг бошлангич нарҳидан 5 фоизи миқдориди закалат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «а»-ўй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилади. Соат 11-00 да бошланади.

Турғун савдо дўқони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо голибларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

-аукцион савдолари ўтказилган кун савдо натижаси тўғрисидаги якуний баённомани ва савдо кунидан 10 (ўн) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;

-савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;

-бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «а»-ўй, 204-хона.
Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажини — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4127 нуسخави босилади. Кўргаз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтанинг» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.